

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 93-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 15 сентябрдаги XII сессияси 112/VI-12-сонли қарорига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 7-Таллашқон, 35-Мустақиллик, 46-Янгиобод сайлов округларида бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказиш 2020 йилнинг 15 октябрь кунига белгилансин.

2. 7-Таллашқон, 35-Мустақиллик, 46-Янгиобод сайлов округларида бўшаб қолган ўринга депутат сайлови илгари ташкил этилган сайлов округлари ҳудудида ташкил этилган сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли қарори талабларига мувофиқ ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати сайлови бўйича овоз бериш учун сайлов бюллетенларини нашр этиш ва жойларга етказиб бериш билан боғлиқ ишлар вилоят сайлов комиссиясининг 2019 йил 6 декабрдаги “Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сайловида доир сайлов бюллетени намунасини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қ-51-сонли қароридан белгиланган тартибда амалга оширилсин.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

5. Қарор ижросини назорат қилиш вилоят сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Сатторов зиммасига юклансин.

Комиссия раиси

А. МУСТАНОВ

2020 йил 16 сентябрь № Қ-60

Газетани ўз вақтида олаяпсизми?

Хурматли газетхон!

Сиз обуна булган “Сурхон тонги” газетасини ўз вақтида олаяпсизми? Бу борада матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда почта алоқа бўлимлари хизматидан кунглингиз тўлаяпсизми? Агар газетамиз сизнинг қўлингизга кечиктириб етказилаётган ёки умуман берилмаётган бўлса, бу бўйича тахририятимизни хабардор қилишни унутманг!



Телефонлар:
76-223-35-31,
76-223-35-61.
Телеграм рақами:
97-848-35-31.

Қисққа хабарлар

01
Ҳукуматнинг тегишли фармойиши билан, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини таъминлагани учун Музработ ва Қумқўрғон тумани ҳокимлари ҳамда уларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

02
Жарқўрғон туманида “Соғлиқ учун 5000 қадам” акцияси ташкил этилди. Ушбу тадбирда нуронийлар ташаббус кўрсатди, ёшларнинг фаоллиги эса ташкилотчиларнинг кузланган мақсадга етганидан далолатдир.

03
Вилоятда янги дизайндаги 16 қаватли бинолар ҳамда кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Туркиялик мутахассислар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган мазкур лойиҳа аввалроқ пойтахтдаги «NEST ONE» лойиҳасини муваффақиятли амалга оширган эди.

04
Эндиликда Термиз археология музейи кеч соат 22:00 гача ўз фаолиятини олиб боради. Шунинг таъкидлаш лозимки, сунгги пайтларда музейнинг фаолияти чет эл нашрларининг эътиборида. Қолаверса, музей бўйлаб бепул Wi-Fi зонаси мавжуд.

Шўрчида камчиликлар жиддий...ми?



Вилоят ҳокими
раҳбарлигидаги ишчи
гурӯх Шўрчи туманини
ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш бўйича
амалга оширилаётган
ишларни таҳлил қилди.

Куз-қиш мавсуми муаммоларнинг юзага келиши билан бошланади. Кимдир иссиқлик, кимдир электр тармоғининг, яна кимдир маиший муаммолар билан мурожаат қила бошлайди. Вилоятда мавжуд бу каби муаммолардан Шўрчи тумани ҳам холи ҳудуд эмас. Унда ҳам бу борада камчиликлар етарли. Вилоят ишчи гурӯҳи томонидан туманда утказилган мониторинг шуни кўрсатдики, ҳудудда уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2020/2021 йилги куз-қиш

мавсумига тайёрлаш ишларида бир қатор камчиликлар мавжуд. Зиммасидаги вазибаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйган, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган бир қатор раҳбар ходимлар фаолияти кескин танқид остига олиниб, мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича аниқ курсатмалар берилган йиғилишда вилоят ҳокими Тура Боболов Шўрчи туманида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва



келгусидаги вазибаларни белгилаб олишга алоҳида эътибор қаратди. Йиғилишда сектор

раҳбарларининг ўз ҳудудларида аҳоли муаммоларини ҳал этиш, пандемия даврида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш билан



боғлиқ ишларда айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар борлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳудудни комплекс ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда бошқа соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган ишлар суст йўлга қўйилганлигига алоҳида тўхталиб утилди.

Раҳбар ходимларнинг бу каби лаёқатсизлиги аҳоли мурожаатларининг кўпайишига сабаб бўлиши кўннинг ҳақиқати. Тумандаги “Ижтимоий” маҳалласида фуқаролар учун сайёр қабул ўтказилиб, унда аҳолининг 70 га яқин мурожаати тингланди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, йўлларни таъмирлаш, электр таъминоти ва симёғочларни алмаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш, бузилган дўконлар учун ер ажратиш каби масалалар мурожаатларнинг асосини ташкил этди. Сайёр қабулда ечим муддат талаб этадиган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Пулнинг ўз эгаси бор



Депутатлик сайлови арафасида бир ойда икки ярим миллион сумнинг беш киши яшайдиган оиллага бемалол етиши ҳақидаги хабар тарқалганда, эслай олсангиз, аҳоли орасида халқ билан ҳамнафас бўлмаган депутатлар кулгуга қолган, кўпчиликнинг газабини ҳам қўзғитган эди.

Бугун эҳтиёжманд оилалар фарзандларига тарқатилаётган 500 минг сумлик ёрдам пули ҳам интернет тармоғида эътирозларни қўзғатгани сир эмас. Бироқ, бу ёрдам пули. Унинг нимагадир етиш-етмаслиги ҳақида гапиришдан аввал, ёрдам эканлигига эътибор қаратиш керак! “Темир дафтар”га киришни истаб мутасаддилар қўлогини қоқиб қўлига бераётганлар ҳам англаса яхши булардики, бу пул асл эҳтиёжманднинг пули. Ортиқча дийдиёга ҳожат йўқ.

Вилоятда 18 миллиард 96 миллиондан ортиқ ёрдам пули нақд қўлинида тарқатилди. Бир марталик 500 минг сум қўйиматдаги мазкур ёрдам пули 16 ешгача булган вилоятдаги 36 193 нафар болага етказилди. Денов туманида “Темир дафтар”га киритилган 10 287 нафар бола бу пулни

қабул қилиб олган бўлса, Олтинсой туманида бу рақам 2 463 нафарни ташкил этади. Президентимизнинг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, “Темир дафтар”га киритилган 16 996 та оиллага курсатилган моддий ёрдам ҳали давом этади.

Моддий ёрдам пуллари барча ҳудудда сектор раҳбарлари бошчилигида, уларга ҳамроҳлик қилаётган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, халқ қабулхонаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими вакиллари иштирокида топширилмоқда. Янги ўқув йилида фарзандининг кам-кўстини қоплашни уйлаган воҳадошларимиз учун бу айни муддао бўлаётгани сир эмас.

Ўз мухбиримиз

Вилоятимизда туман ҳокимликлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун расмий Telegram ботини ишга туширди. Telegram ижтимоий тармоғи орқали аҳоли ўз таклиф ва мурожаатларини, ўзларини қийнаётган муаммолари ҳақида аудио, видео ва хабар шаклида билдиришлари мумкин. Қуйида ҳокимликларнинг бот манзилларига ҳаволалар:

1. Термиз туман ҳокимлиги – @termizt_hokimga_Murojaat_bot
2. Ангор туман ҳокимлиги – @Angor404_bot
3. Жарқўрғон туман ҳокимлиги – @jarqurgonhokimiyat_bot
4. Денов туман ҳокимлиги – @denaupress_bot
5. Қумқўрғон туман ҳокимлиги – @qumqorgon404_bot
6. Шўрчи туман ҳокимлиги – @shurchipress_bot
7. Сарийоқ туман ҳокимлиги – @Sariyoy404_bot
8. Узун туман ҳокимлиги – @uzun404_bot
9. Шеробод туман ҳокимлиги – @Sherobodpress_bot
10. Музработ туман ҳокимлиги – @Muzrabot404_bot
11. Қизирик туман ҳокимлиги – @Qizirik404_bot
12. Бойсун туман ҳокимлиги – @Boysun404bot
13. Олтинсой туман ҳокимлиги – @Oltinsoy404_bot
14. Бандихон туман ҳокимлиги – @Bandixon2020_bot

